

## Ақл мияда бўладими ёки қалбдами?

Фазилатли шайх, аллома Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Аллоҳнинг Ўзигагина ҳамдлар, Унинг пайғамбари Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, у зотнинг оиласи ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Фазилатли шайх, аллома Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Усаймин роҳимахуллоҳ «Риёзус Солиҳин» («Солиҳлар Бўстони») асарининг шарҳи, биринчи мужаллад «Баб ал-Муроқоба» («Аллоҳнинг назорат қилиб туришлиги») бобида шундай дедилар:

У Зот яна кўкраклардаги, яъни, қалблардаги яширин нарсаларни билади. Чунки қалблар кўкраклардадир. Қалблар ила ақл юритиш, фаҳмлаш ва тадбир-(бошқарув) юз беради. Аллоҳ таоло айтганидек:

أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَتَكُونَ لَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُونَ بِهَا أَوْ آذَانٌ يَسْمَعُونَ بِهَا

«Ахир улар (яъни Макка мушриклари) ер юзида сайр қилиб-айланмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун доно диллар бўлур эди» (Ҳаж: 46).

فَإِنَّهَا لَا تَعْمَى الْأَبْصَارُ وَلَكِنْ تَعْمَى الْقُلُوبُ الَّتِي فِي الصُّدُورِ

«Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги кўнгиллар кўр бўлур» (Ҳаж: 46).

Аллоҳни барча айбу нуқсонлардан поклайман! Гўёки ушбу оят бугунги одамларнинг ҳолати ҳақида нозил бўлгандек. Балки у одамларнинг қадимдаги ҳолатлари ҳақида нозил бўлган. Яъни, ақл мияда бўладими ёки қалбдами?

Ушбу масала ишларга моддий кўз билан қараб, бу борада Аллоҳ таоло ва Росули солаллоҳу алайҳи ва салламнинг қовлига мурожаат қилмайдиган изланувчиларнинг кўпчилигига тушунарсиз бўлиб қолди.

Аслида эса ҳақиқат шуки, бу борада иш очиқ-ойдин бўлиб, ақл қалбадир. Қалб эса кўкракдадир.

أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَتَكُونَ لَهُمْ قُلُوبٌ يَعْقِلُونَ بِهَا أَوْ آذَانٌ يَسْمَعُونَ بِهَا

«Ахир улар (яъни Макка мушриклари) ер юзида сайр қилиб-айланмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун доно диллар бўлур эди». Ва деди:

فَإِنَّهَا لَا تَعْمَى الْأَبْصَارُ وَلَكِنْ تَعْمَى الْقُلُوبُ الَّتِي فِي الصُّدُورِ

«Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги кўнгиллар кўр бўлур» (Ҳаж: 46). Аллоҳ таоло миялардаги қалблар деб айтмади. «Балки кўкраклардаги...», деди. Демак, бу борадаги масала жуда ҳам аниқ-равшанки, ақл қалба бўлади. Бунни Пайғамбар солаллоҳу алайҳи ва салламнинг қовллари ҳам қўллаб қувватлайди: «Огоҳ бўлинг! Жасадда бир парча гўшт бўлиб, агар у ўнганса бутун жасад ўнганлади. Ва агар у бузилса жасаднинг бари бузилади. Огоҳ бўлинг! У қалбдир» (Бухорий (52), Муслим (1599)).

Аллоҳнинг Китоби гувоҳлик бериб турган иш борасида нима фикрдасан? Аллоҳ таоло Яратувчи, барча нарсани Билувчидир. Бунга Росул солаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ҳам гувоҳлик бериб турибди!

Ушбу (масала) рўбарўсида гарданимиздаги вожибот шуки, Аллоҳ таолонинг Китоби ва Ро-сули соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига хилоф келадиган барча сўзни улоқтиришимиз, ҳамда уни оёқларимиз остига қўйиб, унга қайрилиб ҳам қарамаслигимиздир.

Демак, қалб шак-шубҳасиз ақл юргизиш ўрнидир. Бироқ мия тасаввур қилиш ўрни. Сўнг у уни (масалани) тасаввур ва ҳозирлагач-(тайёрлагач), қалбга юборади. Сўнг эса қалб буюради ёки қайтаради. Мия гўёки котиба-(секретар) бўлиб, маълумотларни ҳозирлайди, сўнг уни қалбга жўнатади. Сўнг эса қалб йўлланма бериб, буюради ёки қайтаради. Бу ажабланарли нарса эмас.

وَفِي أَنْفُسِكُمْ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿١١﴾

«Ҳамда ўзларингизда (ушбу ҳаётга келиб-кетишингиздан тортиб, вужудларингиздаги ҳар бир аъзоингизда, балки ҳар бир хужайрангизнинг нақадар нозик тартиб-интизом билан яратилиб, ўз ўрнига жойлаштирилганида ва ўз зиммасидаги Яратган буюрган вазифани қулоқ қоқмасдан адо этиб боришида) **ишонгувчи зотлар учун** (Аллоҳнинг қудратига далолат қиладиган) **оят-аломатлар бордир. Ахир кўрмайсизларми?!**» (Зориёт: 21). Ушбу жисмда ажабтовур нарсалар бўлиб, ақл бу борада ҳайрону дол қолади. Ажабланарли эмаски, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тасаввур қилишликни бошга жо қилиб, мия тасаввур қилади ва нарсаларни бир тартибга солади. Сўнг фақат буйруқлар (бериш) қолганда уни қалбга юборади. Сўнг қалб ҳаракатга келиб, буйруқ ёки қайтариқ беради.

Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «**Агар у ўнганса жасад ўнганди**». Буйруқ бериш қалбники бўлмаганда, агар у ўнганса жасад ўнганган ва агар у бузилса жасаднинг бари бузилган бўлмасди.

Демак, қалблар ақл юргизиш ва шахсни бошқариш ўрнидир. Бироқ унинг мия билан боғланиши борлигида шак-шубҳа йўқдир. Шу сабабли мияга путур етса фикр ва ақл юритиш бузилади! Демак, бу (қалб) унга (мияга) боғлиқдир. Бироқ бошқарув юритадиган ақл қалбдадир. Қалб эса кўкракда.

وَلَكِنَّ تَعْمَى الْقُلُوبِ الَّتِي فِي الصُّدُورِ ﴿٤٦﴾

«Балки кўкракларидаги кўнгиллар кўр бўлур» (Ҳаж: 46).

Аллоҳ Пайғамбаримизга, Унинг оиласи ва саҳобаларига салавоту саломлар йўлласин.

[http://www.ibnothaimen.com/all/books/article\\_18015.shtml](http://www.ibnothaimen.com/all/books/article_18015.shtml)

Манба: [Тавҳид форуми](#)